

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ**

25.11.2025 йил № 2372

Б.Махмадалиевга - назорат

М.Исаевга – чақирик

**Тармоқ касаба уюшмалари Республика
ҳамда Федерациянинг Қорақалпоғистон
Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
Кенгашлари раисларига
(рўйхат бўйича)**

Бош Вазирнинг топшириқ хатидаги
“Ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича
2026-2028 йилларга мўлжалланган Бош
жамоа келишуви” бўйича белгиланган
вазифаларни тегишлигича вазирлик ва
идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент
шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда қайд
этилган муддатда ва сифатли тарзда тўлиқ
бажарилишини амалга оширишингизни
сўрайман.

Раис

**К.Рафиқов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

BOSH VAZIRI

A.J.Ramatovga, J.A.Qo'chqorovga, J.A.Xodjayevga, Z.B.Maxkamovaga

Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi (Zaxidovga),

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi (Rafikovga),

Ish beruvchilar Konfederatsiyasi (Ashurovga),

O'zbekiston Savdo-sanoat palatasi (Vaxobovga)

vazirliklar va idoralarga

(ro'yxat bo'yicha)

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi,

viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklariga

Ijtimoiy-iqtisodiy masalalar bo'yicha 2026-2028-yillarga mo'ljallangan Bosh jamoa kelishuvi tasdiqlanganligi ma'lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

1. Vazirliklar va idoralar, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari:

O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksiga binoan Bosh jamoa kelishuvi O'zbekiston Respublikasi hududidagi barcha xodimlar va ish beruvchilarga, shuningdek barcha ijro etuvchi hokimiyat organlariga nisbatan tatbiq etilsin;

2026-yil 1-martga qadar tarmoq va hududiy jamoa kelishuvlarini Ijtimoiy-iqtisodiy masalalar bo'yicha 2026-2028-yillarga mo'ljallangan Bosh jamoa kelishuviga muvofiqlashtirish choralari ko'rilsin;

Ijtimoiy-iqtisodiy masalalar bo'yicha 2026-2028-yillarga mo'ljallangan Bosh jamoa kelishuvida belgilangan vazifalar ijrosi yuzasidan amalga oshirilgan ishlar to'g'risida **Ijtimoiy-mehnat masalalari bo'yicha respublika uch tomonlama komissiyasiga** har yil yakunlari bo'yicha axborot kiritib borilsin.

2. O'zbekiston milliy teleradiokompaniyasi (Jo'raboyev), O'zbekiston Milliy axborot agentligi (Ko'chimov)ga 2026-yilning mart oyidan boshlab korxona, tashkilot va muassasalarda tuzilgan jamoa shartnomalarining bajarilishi yuzasidan olib borilayotgan ishlar to'g'risida ommaviy axborot vositalari va ijtimoiy tarmoqlarda turkum tahliliy chiqishlar tashkil etib borish tavsiya etilsin.

Tarkibiy bo'linmalar rahbarlariga – nazorat.



A. Aripov

2025-yil "25" - noyabr
№ 30/1-378



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

БОШ ВАЗИРИ

А.Ж.Раматовга, Ж.А.Қўчқоровга, Ж.А.Ходжаевга, З.Б.Махкамовага
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Захидовга),
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (Рафиқовга),
Иш берувчилар Конфедерацияси (Ашуровга),
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси (Вахобовга)
вазирликлар ва идораларга
(рўйхат бўйича)

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига

Ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2026–2028 йилларга мўлжалланган Бош жамоа келишуви тасдиқланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

1. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига биноан Бош жамоа келишуви Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча ходимлар ва иш берувчиларга, шунингдек, барча ижро этувчи ҳокимият органларига нисбатан татбиқ этилсин;

2026 йил 1 мартга қадар тармоқ ва ҳудудий жамоа келишувларини ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2026–2028 йилларга мўлжалланган Бош жамоа келишувига мувофиқлаштириш чоралари кўрилсин;

Ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2026–2028 йилларга мўлжалланган Бош жамоа келишувида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида **Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссиясига** ҳар йил якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

2. «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» (Жўрабоев), «Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги» (Қўчимовга)га 2026 йилнинг март ойидан бошлаб корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда туркум таҳлилий чиқишларни ташкил этиб бориш тавсия этилсин.

Таркибий бўлинмалар раҳбарларига — назорат.

А. Арипов

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон иш
берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар
бўйича 2026 – 2028 йиллар учун**

БОШ ЖАМОА КЕЛИШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда – “Хукумат”), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда – “Касаба уюшмалари”) ва Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси (кейинги ўринларда – “Иш берувчилар”) бундан буён матнда “Тарафлар” деб аталувчи ваколатли вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конунчилик ҳужжатларига амал қилиб;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда Ўзбекистон манфаатлари устуворлигини эълон қилиб;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2025 йил 17 октябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувида берилган топшириқларни ижрога қаратган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўйилган: иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш вазифаси сўзсиз бажарилиши лозимлигини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш борасида самарали саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошириб бориб;

Ўзбекистон Республикасида келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи мазкур Бош жамоа келишувини (бундан буён “Келишув”) туздилар ва ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуйидагиларни ўта муҳим деб ҳисоблайдилар:

1. Мамлакатимизни Жаҳон савдо ташкилоти аъзолигига кириши муносабати билан иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда олиб бориш.

2. Иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш.

Бунда иқтисодиётнинг реал секторидаги маҳаллий корхоналар ва инновацион корхоналар учун қулай кредитлашни таъминлаш, шу жумладан, импорт ўрнини босиш ва технологик суверенитетни таъминлаш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3. Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига даромадни 4 минг АҚШ долларига етказиш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш.

4. Томонлар бюджет сиёсати инсон капиталининг ўсишини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликни камайтириш, Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган бўлиши.

5. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 32 фоизга етказиш.

6. Саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 млрд. АҚШ долларига етказиш ва 2,5 млн. юқори даромадли иш ўринларини яратиш.

19. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли касаба уюшмаси ёки касаба уюшмалари бирлашмаси билан келишиш ишларини катъий таъминлаш (Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддаси).

20. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини амалиётда қўллаш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

меҳнат соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳларни ишлаб чиқиш; иш берувчи ва ходим ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилишда касаба уюшмаларининг яраштирувчи, муросага келтирувчи бўғин сифатидаги фаоллигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш.

21. Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги конвенцияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш:

Ижтимоий таъминотнинг энг кам нормалари тўғрисидаги 102-сон;

Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисидаги 131-сон;

Ҳамшираларнинг бандлиги ҳамда меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисидаги 149-сон;

Меҳнат статистикаси тўғрисидаги 160-сон;

Меҳнат гигиенаси хизматлари тўғрисидаги 161-сон;

Тадбиркор тўловга қобилиятсиз бўлган тақдирда меҳнаткашларнинг талабларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 173-сон;

Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги 183-сон;

Қишлоқ хўжалигида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 184-сон.

22. Қуйидагиларга доир таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдorigа оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссиясини жалб қилишни назарда тутувчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳа;

7. Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 2 баробарга ошириш.

8. Ракамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2,2 фоизга етказиш.

9. Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш.

10. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

11. Жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғини табақалаштирилган тизимига ўтиш.

12. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали 1 гектардан олиннадиган ўртача даромадни 5 минг АҚШ долларига етказиш.

13. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

14. Худудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.

15. Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт катновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини ривожлантириш.

16. Тенг рақобат шароитларини яратиш мақсадида саноат, савдо, қурилиш, фармацевтика ва транспорт соҳаларидаги ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини соядан чиқаришга қўмаклашиш.

17. Давлат харидлари бўйича тендер комиссиялари ишига тегишли касаба уюшмалари ташкилотлари вакиллари маслаҳат овози ҳукуки билан жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳукукий ҳимоясини таъминлаш

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва ҳукукий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

18. Ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳукукий ҳужжатларни ишлаб чиқишда тегишли касаба уюшмалари ҳамда Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерациясининг иштирокини таъминлаш.

платформаларда фаолият юритаётган фукароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш, уларнинг ҳаёти, ҳавфсизлигини суғурталаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги кодекси, “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги, “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги, “Хорижий таъсир остидаги шахслар тўғрисида”ги қонунлари лойиҳалари;

“тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” тушунчасини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси;

миллий қонунчилик ва амалиётни Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган 95, 132, 148, 155, 156, 167, 175, 187-сонли конвенциялари талабларига мувофиқлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.

23. Меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонун билан ўрнатилган тартиб устидан назорат самарадорлигини, шу жумладан, қасаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш йўли билан ошириш.

24. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

25. Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида қасаба уюшмаларининг барча вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

26. Қасаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича қиритган кўрсатмаларини иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Қамбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш.

27. Агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилотларда қасаба уюшмаси қўмитаси мавжуд бўлган барча ҳолларда ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишни шу қўмита билан келишиб олиш.

28. Маълум бир соҳада ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида қамида икки ой олдин тегишли тармоқ қасаба уюшмаси Республика кенгашига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси, шунингдек малака ошириш бўйича барча таълим муассасалари ўқув дастурларига “Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари” мавзусида таълим курсларини киритиш ишларини давом эттириш.

30. Ходимлар, иш берувчилар, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари раҳбарларининг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

31. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг инсон ресурслари билан ишлашга масъул таркибий тузилмаларининг раҳбар ва ходимларини ҳар уч йилда камида бир марта меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича малакасини ошириб бориш.

32. Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

33. Давлат ва қасаба уюшмалари меҳнат инспекциялари тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳамкорликда ишлашини таъминлаш.

34. Сунъий интеллект технологияларига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, соҳада стандартлар лойиҳалари ишлаб чиқилишида таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш.

35. Сунъий интеллект технологияларини жорий этган иш берувчиларда қисқартиришга тушган ходимларни замонавий соҳа ва мутахассисликларга қайта ўқитиш чораларини кўриш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.

36. Тарафларнинг 5 нафардан иборат вакиллари таркибида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалалар бўйича маслаҳат кенгашини тузиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадда Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

37. Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ички маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш.

38. Иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган соф тушум таркибида иш ҳақининг улуши оширилишига эришиш.

39. Меҳнат муносабатларини легаллаштириш ҳамда тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари воситасида ҳўжалик ҳисобидаги тармоқ ва ташкилотларнинг ўз тариф сеткаларини ўрнатиш орқали ўртача иш ҳақи оширилишини таъминлаш.

40. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида йиллик инфляция даражасини 5 фоиздан ҳамда фискал тақчилликни 3 фоиздан ошмаслигини таъминлаб бориш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларини доимий равишда кўриб бориш.

41. Ҳукумат, иш берувчилар ташкилотлари ва қасаба уюшмалари ўртасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш бўйича уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш тизимини йўлга қўйиш.

42. Ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга ошириш.

43. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа музокаралари натижасида ўрнатилишини таъминлаш.

44. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли тармоқ қасаба уюшмаси Республика кенгаши ёки унинг бўлинмаси билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)ни баҳолашга бошланғич қасаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш.

45. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда:

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги низом талабларини;

кўчма ва катнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3130, 2019 йил 23 январь) талабларини татбиқ қилиш бўйича тавсиялар бериш.

46. Хотин-қизлар ва эркаклар иш ҳақи ўртасида гендерга асосланган фарқли ҳолатларни ўрганиш ва бундай ҳолатлар аниқланганда, уларни тизимли бартараф этиш чораларини кўриш.

47. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдorigа риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси кўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

48. Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш.

49. Иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масаласини ҳукумат даражасида мунтазам равишда кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда иш ҳақидан қарздорликни тўлиқ бартараф этиш чораларини кўриш.

50. Иш берувчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшмаси кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи ходимга унинг ойлик (лавозим) маошининг (ишбай ҳақ тўланадиган ходимнинг эса ўртача ойлик иш ҳақининг) камида 20 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўлашни тавсия этиш.

51. Касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳамда меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

52. Илғор халқаро тажриба асосида меҳнатни меъёрлаштириш ва унга ҳақ тўлаш соҳасида меҳнат нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш.

IV. Мехнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш

Мехнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

53. Бандлик йўналишлари, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ижтимоий шериклар иштирокида ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса қишлоқ жойларида яратилишига, иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

54. Норасмий секторда банд аҳоли улушини жами банд аҳоли (ташки миграцияга кетганлар бундан мустасно) сонига нисбатан 30 фоизгача қисқартириш.

55. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2173, 2010 йил 28 декабрь) талаблари бажарилишини назоратга олиш.

56. Ўзини ўзи банд қилганларни ва яқка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан мақсадли жамғармалардан олинган субсидиялар ва кредитлардан (ёки тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чора-тадбирлардан) фойдаланиш самарадорлигини ҳамда улар яратган иш ўринлари самарадорлигини мониторинг қилиш.

57. Халқаро меҳнат ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

58. Олий, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

59. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари

битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида кўнимлилиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

60. Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг бекарор турларида банд фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, қасаба уюшмаларининг ҳамда Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерациясининг вакиллари ҳокимликлар ҳузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этилишига кўмаклашиш.

61. Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатишган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

62. Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли дастгоҳларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва х.к.)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўқув курслар тармоғини кенгайтириш ва улар орқали ҳар йили камида 100 минг нафар ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни камраб олиш.

63. Касбий таълим олишнинг дуал шаклини жорий этиш ва ишлаб чиқаришда “Устоз-шогирд” тизимини рағбатлантириш.

64. Норасмий секторда банд бўлганларнинг камида 10 фоизини иш жойини йўқотишдан ижтимоий суғурталаш билан камраб олиш.

65. Ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун инклюзив ва адолатли иқтисодий ўсиш натижасида яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятлари тўғрисида аҳоли ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилинишини таъминлаш.

66. Ёшлар, хотин-қизлар ва банд бўлмаган аҳоли ўртасида касбга йўналтириш механизмларини тарғиб қилиш бўйича самарали чоратадбирларни, шу жумладан, касбга йўналтириш ва мартабани ривожлантириш марказларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқиш.

67. Меҳнат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида аҳоли ва иш берувчиларнинг хабардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ёшлар, аёллар, ногиронлар ва бошқалар)ни чекка ҳудудларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш орқали ишга жойлаштириш.

68. Хизмат кўрсатиш моделини такомиллаштириш, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни бошқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат органлари ходимлари меҳнати унумдорлигини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш ва бандлик органлари салоҳиятини кучайтириш.

69. Миллий меҳнат статистикаси тизимини ва халқаро индикаторларни ҳисоблашни такомиллаштириш.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 1 мартдаги ПҚ–149-сон қарорида белгилаб берилган вазифалар доирасида хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

71. Мамлакат фуқароларининг хорижга меҳнат миграциясига оммавий равишда кетишини олдини олиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилишини, шу жумладан, Ўзбекистонда рақобатбардош иш ўринларини барпо этишга қўмаклашиш орқали таъминлаш.

72. “Яшил ишлаб чиқариш” тамойилларини жорий этиш жараёнида энергия тежамкорлиги технологияларига ўтишда иш ўринлари қисқартирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

73. Сунъий интеллект жорий этилиши натижасида иш ўринларини йўқотаётган ходимларни бошқа касбларга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш.

V. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

74. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

75. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси давлат дастурини ишлаб чиқиш.

76. Бахтсиз ходисалар ҳисоботини юритиш, сабабларини таҳлил қилиш ва ечим топиш бўйича Ҳукумат ҳужжатини қабул қилиш.

Бунда бахтсиз ҳодиса ва касбга оид касалликларга чалиниш ҳолатларига оид маълумотларни олишнинг ягона тизимини ишга тушириш, сунъий интеллектни жорий этиб, бундай ҳолатларни тезкорлик билан аниқлашни назарда тутиш.

77. Тармок касаба уюшмаларининг тегишли тармокда меҳнат муҳофазасини кучайтириш бўйича таклифларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида умумлаштириб, Ҳукуматга тақдим этиш.

Ҳукуматда ушбу таклифларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва тармок касаба уюшмалари раҳбарлари учрашувида муҳокама қилиш ҳамда чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.

78. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси ҳамда ишларни бехатар олиб бориш бўйича махсус ваколатли органлар билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касб касалликлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун ягона электрон мониторинг тизимини жорий этиш.

79. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни доимий молиялаштириш.

80. Иш ўринларининг автоматлаштирилиши, меҳнат жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланиш натижасида иш ўринлари йўқотилиши сабабли янги иш ўринларини хавфсиз меҳнат шароитларини яратган ҳолда ташкил этиш чораларини қўриш.

81. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш.

82. Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш.

83. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳукукий ҳужжатларда ҳамда тармок ва ҳудудий келишувлар, жамоа шартномаларида кўзда тутилган, ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда ўрганишни амалда кенг қўллаш.

84. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

касб касалликлари рўйхатини шакллантиришда тегишли тармок касаба уюшмалари билан келишиб олиниши;

ташкilot раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча бахтсиз ходисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

корхона, ташкilot ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимини таъминланиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

дастлабки тарзда (ишга қираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

ходимларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек, жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш натижадорлиги;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларини улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини киритилиши.

85. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурини тасдиқлаш, уни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишлар мувофиқлаштирилишини таъминлаш.

86. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

87. Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш.

88. Банд бўлган аҳолининг меҳнатини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигида, саноатда, қурилишда, алоқада, ташиш, сақлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат муҳофазасига оид талаб ва меъёрлар стандартларини ишлаб чиқиш.

89. Ҳар йили 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш.

90. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид конвенциялари талаблари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш.

91. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши учун тизимли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш.

92. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш.

93. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид хорижий тажрибани ўрганиш, малака ошириш учун ривожланган давлатларга хизмат сафарларини ҳамда тизимли ишларни ташкил қилиш.

94. Онлайн платформали бандлик шароитида меҳнат муҳофазаси талабларини белгилаш бўйича Ҳукумат томонидан уч томонлама ҳамкорлар билан келишган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш.

VI. Ижтимоий кафолатлар ва химоя

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

95. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий химоя қилиш стратегиясида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назоратга олиш.

96. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПҚ-2705-сон қарорини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш.

97. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама қўмаклашиш.

98. Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили “Наврўз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш.

99. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

100. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек “Саховат” ва “Муруват” уйларига моддий қўмак чораларини қўллаш.

101. Давлат ижтимоий ёрдамларини, субсидиялар ёки имтиёзли кредитларни олувчи шахслар билан ижтимоий контрактлар тузилишини таъминлаш.

102. Ижтимоий кўллаб-қувватлаш марказларида истикомат қилувчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили бир марта Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан санаторийларда бепул соғломлаштириш.

103. Нотинч ва кам таъминланган оилаларни кўллаб-қувватлаш мақсадида “Оилавий саёҳат” туристик пакетларни жорий этиш.

104. Махсус иктисодий зоналар ва саноат зоналарида ёш болали хотин-қизларга муносиб иш ўринларини яратиш мақсадида уларнинг фарзандлари учун турли ижтимоий объектлар (боғча, спортзал, болаларга вақтинчалик қараб туриш хизматлари кабилар) барпо этиш.

105. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида”ги 205-сонли тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

**VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни
оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар
ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш**

Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

106. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш.

107. Даволаниш ва дам олиш учун замонавий шароитлар яратиш, санаторийлар ва дам олиш уйлари, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш.

108. Худудларда ҳар йили биттадан санаторий ва оромгоҳлар қуриш. Хусусан, Хоразм вилоятида 2026 йилда намунавий санаторий барпо этиб, “Хоразм” тажрибасини яратиш.

109. Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўгаракларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш.

110. Жамоа шартномаси ва келишувларида назарда тутилган маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда бошқа мақсадлар учун иш берувчи ҳисобидан маблағлар ажратиш.

111. Ҳар йили ишловчи кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда Ватан олдида хизматлари мавжуд шахсларнинг маълум миқдорини касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш.

112. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чоратadbирларни амалга ошириб бориш.

113. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, республиканинг экология жиҳатдан ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болалар соғломлаштирилишига доимий равишда кўмаклашиш.

114. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш.

115. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ва вилоятлар марказларида тармок касаба уюшмалари томонидан касаба уюшмалари боғларини ташкил этиш. Ҳар бир ҳудудда касаба уюшмалари боғларини ташкил этиш мақсадида белгиланган тартибда ер майдонларини ажратиш.

116. Корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари ташаббуслари билан ишхона ва маҳаллаларда яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда тозалик ва ободончилик ишларини ташкил қилиш.

117. Корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшмалари жамоалари ўртасида “Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси” танлови ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш.

VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча қафолатлар

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган қафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

118. Аёллар ва ёшларга қўшимча имтиёзлар берилишини назарда тутувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва Халқаро меҳнат

ташкilotи конвенцияларига ва Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофиқлиги нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар бериш.

119. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”и бўйича дастурларидан келиб чиқиб ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-хунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш;

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукамал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар заҳирасини шакллантириш.

120. Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркеклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликка йўл қўймаслик.

121. Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

ёш болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

хотин-қизлар учун саёҳатларини ташкил этиб бориш;

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек, сафарбарлик чакируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойсиз ссудалар бериш.

122. “Қасаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида” шиори асосида хотин-қизлар меҳнати муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни жорий этиш, унда меҳнат бозорида хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қўмаклашиш бўйича янги ёндашувларни жорий этиш, қишлоқ жойларида аёллар бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини янада кенгайтиришни назарда тутиш.

123. Меҳнат жамоаларидаги гендер аудит натижаларини муҳокама қилиб, иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича амалий чораларни белгилаш.

124. “Аёллар дафтари” орқали ёрдам кўрсатиладиган аёллар тоифаларига уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож, таъйик ва зўравонликка учраган ҳамда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёлларни ҳам қўшишни назарда тутиш.

125. 14 та тармок қасаба уюшмалари бўйича тегишли соҳа ва тармокларда гендер тенгликни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича манзилли стратегияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

IX. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

126. Қасаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

127. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика ва ҳудудий уч томонлама комиссияларнинг роли ва самарадорлигини оширишга, тармок ва бошланғич даражадаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар тузилишига қўмаклашиш.

128. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қорхоналар, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига қасаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

129. Норасмий тарзда банд бўлган (айниқса қурилиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш, фермер хўжаликлари ва бошқа соҳаларда), шунингдек,

кунлик ишчилар ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш чораларини кўриш.

130. Ягона музокара жараёнини татбиқ қилиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

барча жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

тегишли касаба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги тармок жамоа келишувларини тегишли йилнинг январь ойидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса тегишли йилнинг март ойидан кечиктирмай тузишни;

тармок жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини бажариш яқунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиш (конференция)ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқишини.

131. Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

Ҳукумат мажлисларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқиладиганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ва Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерациясининг вакиллари таклиф этилишини;

касаба уюшмалари Республика кенгашлари раисларини республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларининг хайъатлари мажлисларида иштирок этишини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини.

132. Вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ҳамда тармок касаба уюшмалари коллегиял органларининг қўшма йиғилишини ўтказиб борадиган ва йиллик қўшма дастур тасдикланадиган янги тизимни йўлга қўйиш.

133. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг Ҳукумат, вазирликлар, идоралар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

134. Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

Х. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги

135. Мазкур келишув 2026 – 2028 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

136. Тарафлар мазкур келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

137. Мазкур келишув имзолангандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ҳукумат барча республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ижро учун юборилишини, улар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланишини таъминлайди.

138. Мазкур келишувнинг меъёрий ҳолатлари тармок, ҳудудий келишувларга ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

139. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

140. Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта ушбу келишув бажарилишининг бориши ва яқунларини муҳокама қилиб бориш;

в) ушбу келишув бажарилиши таъминланиб борилаётган тақдирда, иш ташлаш амалларидан воз кечиш.

141. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

142. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича республика уч томонлама комиссияси амалга оширади.

2025 йил "01" НОЯБРЬ да Тошкент шаҳрида тузилди.



Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А.Арипов

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси

Ўзбекистон Иш берувчилари
Конфедерацияси Ижроия
қўмитаси раиси

Қ.Рафиков

О.Ашуров



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA
BANDLIK VAZIRLIGI
"6" 11 2025YIL
№ 196 B